

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАҲЛИЛИ**

UZBEKISTAN LAW REVIEW

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ	SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL	НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
--------------------------------------	--	--

**2024
№4**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Саид Саидахарович — юридик
фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович — ю.ф.д.,
профессор.

Ҳўжаев Шохжаҳон Акмалжон ўғли — юридик
фанлар бўйича фалсафа доктори.

Оқюлов Омонбой — ю.ф.д., профессор.

Эргашев Восит Ёкубович — ю.ф.н., профессор.

Маҳкамов Отабек Мухтарович — ю.ф.д.

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна — ю.ф.д., доц.

Мусаев Бекзод Турсунбоевич — ю.ф.д., доц.

Беков Ихтиёр — ю.ф.д., проф.

Бозоров Сардор Сохибжонович — ю.ф.д., проф.
в.б.

Хазратқулов Одилбек Турсунович — юридик
фанлари номзоди, доцент.

Самарходжаев Ботир Билялович — ю.ф.д.,
профессор.

Ходжаев Бахшилло Камалович — ю.ф.д.,
профессор.

Нарзиев Отабек Саъдиевич — ю.ф.д., проф. в.б.

Жолдасова Шахноза Батировна — юридик
фанлар бўйича фалсафа доктори.

Маълумот олиш учун қуйидагиларга мурожаат этиш
сўралади:

Гулямов Саид Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
ТДЮУ, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон
нужаси Интернетдаги www.library-tsul.uz ёки
www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.

Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация
комиссияси журналлари рўйхатида киритилган.

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар,
талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб,
Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик
университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.
2024 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик
университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.
Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва
қўлайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати
билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент
давлат юридик университетига мурожаат этилади.
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ
кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И. Рустамбеков**
Наشريёт муҳаррири: **Н. Ниязова**
Техник муҳаррир: **Д. Козимов**

Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди — 25.12.2024

Наشريёт ҳисоб табоғи — 5

«IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди
Адади — 100 нусха.

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ

4/2024

МУНДАРИЖА

МУНДАРИЖА	
Ш.Туйчиева Теоретические основания и критический анализ подхода к урегулированию инвестиционных споров в контексте статьи 63 Закона Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности»	3
У.Шарахметова Укрепление в семье личных и имущественных прав обязанностей супругов на основе принципа равенства	7
Ж.Тўраев Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича давлат назорати ва текширувининг назарий ва амалий аҳамияти	11
Д. Имомова Определение применимого права для внешнеэкономических сделок в условиях цифрового пространства	15
Х.Шарипова Правовое регулирование облачных технологий в контексте международного сотрудничества	17
I.Abdikhakimov Quantum computing and its impact on cybersecurity: redefining legal frameworks for a post-quantum era	20
I. Rahmatulloyev Prokuratura organlarining fuqarolik huquq va burchlarini amalga oshirishdagi ishtiroki	24
S. Tatar, N. Dilboboev Means of international investment dispute resolution	28
Э.Инамджанова Особенности преподавания коллизионного права в современном образовательном процессе	32
J.Askarov Sun'iy intellekt yordamida sog'liqni saqlashni rivojlantirish: huquqiy takomillashtirish	46
T.Pulatov Digital Financial Assets as an Object of Civil Rights	50
Д.Имамалиева Развитие механизмов альтернативного разрешения споров на международной и национальной арене	57
SH.Almosova Xalqaro shartnomalar ijrosini ta'minlash usullari va vositalari tahlili	62
A.Akramov A comparative analysis of international legal norms regarding the inheritance of digital property	69
E.Asadov Davlat moliyaviy nazoratida moliyaviy javobgarlik va uning yuridik tabiati	77
D.Abdullaeva The system of international control over the observance of human rights at work	88
М. Турдалиев Определение и сущность искусственного интеллекта (ии) в контексте международной торгов- ли	93
О.Хазраткулов Рақамли активлар билан боғлиқ муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масаласида хорижий мамлакатлар тажрибаси	102
Б.Акмалхонов Механизмы защиты права собственности в международном праве	109
Sh.Alamonova Revisiting Public Services under GATS: A Legal Analysis of Commitments and State Discretion	114
Б.Саидов Проблемы гражданско-правового обеспечения кибербезопасности охраняемых объектов: договорные аспекты	118
Sh.Sotvoldiyev Xalqaro tijorat sudlari - nizolarni hal qilishning usuli sifatida	124
А.Вахабов Халқаро хусусий ҳуқуқда — lex voluntatis тамойили	126

Тўраев Жавоҳир Усмон ўғли,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

ХОДИМЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ВА ТЕКШИРУВИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ва улар тизимида давлат назорати ва текширувининг назарий ҳамда амалий аҳамияти таҳлил қилинган. Бунда давлат назорати ва текшируви орқали ҳар қандай давлат ўз Конституциясида, халқаро стандартларда ва миллий қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган, шунингдек халқаро шартномаларда назарда тутилган меҳнат муносабатларига оид нормалар бажарилишини таъминлашга эришилиши асослантилди. Шу билан бирга, ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчаси борасида миллий олимлар томонидан билдирилган таърифлар таҳлил қилиниб, ушбу тушунчага назарий таъриф ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: меҳнат қонунчилиги, ходимлар, меҳнат ҳуқуқлари, давлат назорати ва текшируви, инсон ҳуқуқлари, Конституция, халқаро стандартлар, ратификация.

Аннотация: В статье анализируются методы защиты трудовых прав работников и теоретическое и практическое значение государственного контроля и надзора в этой системе. При этом, обосновано обеспечение выполнения норм Конституции, международных стандартов и законодательных актов в сфере трудовых отношений посредством государственного надзора и контроля. Вместе с тем, проанализированы определения национальных ученых к понятию защита трудовых прав работников и разработано теоретическое определение по данному понятию.

Ключевые слова: трудовое законодательство, работники, трудовые права, государственный контроль и надзор, права человека, конституция, международные стандарты, ратификация.

Abstract: The article analyzes the methods of protecting the labor rights of workers and the theoretical and practical importance of state control and supervision in this system. At the same time, it is justified to ensure the implementation of the norms of the Constitution, international standards and legislative acts in the field of labor relations through state supervision and control. At the same time, the definitions of national scientists to the concept of protection of labor rights of workers are analyzed and theoretical definitions on this concept are developed.

Keywords: labor legislation, workers, labor rights, state control and supervision, human rights, constitution, international standards, ratification.

Кириш

Меҳнат қонунчилигида давлат назорати ва текширувини таъминлашдан кўзланган асосий мақсад ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Шу билан бирга, ходимлар меҳнат ҳуқуқларининг ҳимояси фақатгина давлат назорати ва текшируви

орқали таъминланмаслигини ҳам қайд этиш жоиз. Амалдаги меҳнат қонунчилиги ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қуйидаги турларини назарда тутди:

а) ходим томонидан меҳнат ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилишни;

б) меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини;

в) меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини.

Ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш турлари орасида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиб, бу қуйидагиларда намоён бўлади:

– жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга эришиш;

– меҳнат муносабатлари иштирокчилари ўртасида мувозанатни таъминлаш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари иш берувчилар ёки бошқа учинчи шахслар томонидан бузилган ҳолатлар аниқланганда тегишли таъсир чораларини кўриш ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш;

– ҳуқуқни қўллаш амалиётида меҳнат қонунчилигининг қўлланилишини доимий ўрганиб бориш, таҳлил қилиш, соҳада мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар, зиддиятлар ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш.

Ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишида давлат назорати ва текширувининг моҳиятини тўғри англашда ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчасига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ.

Ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчаси бўйича ҳуқуқшунос олимлар томонидан турлича назарий қарашлар илгари сурилсада, улар аксариятининг мазмун-моҳияти ўзаро ўхшашлигини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, миллий ҳуқуқшунос олим Й.Турсуновнинг фикрича, ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш деганда ходимнинг (бузилган деб тасаввур этилаётган меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари, эркинликлари ёки бошқа қонуний манфаатлари) ҳуқуқларини танлаш юзасидан ваколатли давлат ёки жамоат органи томонидан кўрилиши лозим бўлган иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий чора-тадбирлар назарда тутилади[1].

Яна бир миллий ҳуқуқшунос олим М.Рахимов ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчасига кенг ва тор маънода ёндошади. Бунда кенг маънода ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш тушунчасини халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари, локал норматив актлар ҳамда меҳнат шартномаси билан ўрнатилган ҳуқуқларнинг бузилишини олдини олиш, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларни тиклаш, айбдорларни тегишли тарзда жазолаш билан боғлиқ ваколатли органлар (шахслар) томонидан амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар тизими сифатида изоҳлайди. Шу билан бирга, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш тушунчасига тор маънода ходимнинг бузилган меҳнат

ҳуқуқини тиклаш, ҳуқуқни амалга ошириш жараёнидаги тўсиқларни бартараф этиш, ҳуқуқ бузилиши натижасида етказилган зарар ўрнини қоплаш, айбдорларни жавобгарликка тортиш, меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган юридик ҳатти-ҳаракатлар мажмуи сифатида таъриф беради[2].

Юқорида келтирилган таърифларда тўғри таъкидланганидек, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бир томондан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан бундай ҳуқуқлар бузилган ҳолларда уларни тиклаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган воситалардан фойдаланиш имкониятини назарда тутлади.

Умуман олганда, ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

“ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – бу Конституция ва қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган ходимлар меҳнат ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган қонунчилик воситалари, суд ҳимояси, назорат ва текширувнинг маъмурий-ташкилий чора-тадбирлари, ходимлар меҳнат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қасаба уюшмалари томонидан ҳимоя қилиш ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ходимларнинг ўзлари томонидан муҳофаза қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлардир”.

Ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашда давлат назорати ва текшируви институти муҳим аҳамият касб этади. Бунда ҳар бир давлат ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини давлат назорати ва текшируви орқали таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган бўлиб, унинг зарурати қуйидагиларда намоён бўлади:

1) янги таҳрирдаги Конституцияда мустаҳкамланган меҳнат муносабатларига оид нормалар бажарилишини таъминлаш заруратида.

Давлат назорати ва текширувидан кўзланган асосий мақсадлардан бирини энг аввало Конституцияда мустаҳкамланган нормаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳисобланади.

Зеро, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 15-моддаси иккинчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик ҳуқуқ эгаллиги, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши ҳақидаги қатъий қоида мустаҳкамланган[8].

Юқоридаги норма эса, биринчи навбатда Конституцияда белгиланган меҳнат ҳуқуқларига оид нормаларнинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш заруратини тақозо этади. Шундай экан, давлат назорати ва текшируви механизмлари айнан юқоридаги мақсадга эришишга қаратилади.

2) умумэтироф этилган халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган халқаро стандартларга риоя этиш ва улар бажарилишини таъминлашда.

Асосий Қомусимизнинг муқаддимасида Ўзбекистон халқининг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига асосланишини тантанали равишда эълон қилинган.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари тизимида БМТ томонидан қабул қилинган ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Мазкур ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари, хусусан меҳнат ҳуқуқларига оид нормалар назарда

тутилган бўлиб, Ўзбекистон улар бажарилишини таъминлаш чораларини кўриши лозим.

БМТ томонидан қабул қилинган ва умумэтироф этилган ҳужжатлар тизимида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатда инсонларнинг меҳнат ҳуқуқларига доир муҳим нормалар белгиланган.

Жумладан, Декларациянинг 23-моддасида ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адиллатли ва қўлай иш шaroитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш, ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш, қасаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун қасаба уюшмаларига кириш каби муҳим бўлган меҳнат ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Шунингдек, Декларациянинг 24-моддасида ҳар бир инсоннинг дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, шу жумладан иш кунини оқилона чеклаш ҳуқуқи ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқлари акс этган[3].

Инсоннинг меҳнат ҳуқуқлари мустаҳкамланган халқаро стандартлар тизимида БМТнинг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакти муҳим ўринга эга ҳисобланади.

Қайд этилган пактнинг 8-моддасида ҳеч кимнинг мажбурий ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозимлигига оид муҳим талаб мустаҳкамланган[4].

Гувоҳ бўлганимиздек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган стандартларида инсонларнинг меҳнат ҳуқуқларига оид муҳим кафолатлар мустаҳкамланган бўлиб, Ўзбекистон улардаги ҳар бир кафолатга риоя этилишини таъминлашга қаратилган зарур чораларни кўриб боради. Бундай чоралар тизимида эса, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувининг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

3) Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларини ва бошқа шартномавий мажбуриятларни бажариш эҳтиёжи мавжудлигида.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмини ташкил этиши мустаҳкамланган.

Қолаверса, юқорида қайд этилган моддада агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши қатъий равишда белгиланган[5].

Мамлакатимиз Асосий қонунида юқоридаги нормаларнинг белгиланганлиги халқаро шартномаларнинг Ўзбекистон учун қанчалик даражада аҳамиятга эгаллигини, уларнинг сўзсиз бажарилиши лозимлигини англатади.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимиз томонидан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида БМТнинг ихтисослашган ташкилоти ҳисобланган Халқаро меҳнат ташкилоти ҳужжатлари ратификация қилинган.

Бундай ҳужжатларда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва уларни таъминлашга қаратилган кўплаб тавсиялар акс этган. Жумладан, Ўзбекистон

Республикасининг 07.02.2022 йилдаги “Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги Қонуни билан

167-сонли Конвенцияси (Женева, 1988 йил 20 июнь) ратификация қилинган[6].

“Халқаро шартномалар тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасида эса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назорат Вази́рлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади[7].

Бунда Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган конвенцияларидаги ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари билан боғлиқ талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга ошириш орқали Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларини ва бошқа шартномавий мажбуриятларни бажарилиши таъминланади.

4) янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини рўйбга чиқаришга бўлган эҳтиёжда.

Таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олиними мустаҳкамланган. Бу ўз навбатида Конституция билан биргаликда қонунларнинг ижросини таъминлаш заруратини тақозо этади.

Шу ўринда қонунлар деганда қандай ҳужжат тушунилиши ҳақидаги саволга аниқлик киритиб ўтсак. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинадиган ҳужжатга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳисобланади.

Бунда амалдаги миллий қонунчилик қонунларнинг конституциявий қонун, кодекслар каби шакллари назарда тулади. Шу билан бирга, қонунчиликда кодекс тушунчасига таъриф берилмаган бўлсада, амалиётда муайян соҳани яхлит тартибга солувчи қонун ҳужжати сифатида амал қилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда меҳнат муносабатлари 2022 йил 28 октябрда янги таҳрирда қабул қилиниб, 2023 йил 30 апрелда кучга кирган Меҳнат кодекси билан тартибга солиниб келинмоқда. Ушбу Кодекснинг 1-моддасига мувофиқ Меҳнат кодекси ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларининг мувозанатини таъминлаш ҳамда уларни мувофиқлаштириш асосида яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солади[9].

Шу билан бирга, меҳнат қонунчилиги фақат Меҳнат кодексидан иборат эмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз. Бунда меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни Меҳнат кодексидан ташқари яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонунчилик ҳужжатлари ташкил қилади[10].

Шундай экан, Меҳнат кодекси ва меҳнат муносабатларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаларидан бирини ташкил қилади.

Айнан ушбу мақсадни амалга ошириш воситаларидан бири сифатида давлат назорати ва текшируви воситалари намоён бўлади. Бунда давлат

ушбу воситалар орқали Меҳнат кодекси ва соҳани тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш чораларини кўради.

Хулоса сифатида қайд этиш жоизки, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашда давлат назорати ва текшируви муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу орқали ҳар қандай давлат ўз Конституциясида, халқаро стандартларда ва миллий қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган, шунингдек халқаро шартномаларда назарда тутилган мажбуриятлардаги меҳнат муносабатларига оид нормалар бажарилишини таъминлашга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – Б. 935.
 2. М. Рахимов Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил). 12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи ихтисослиги юзасидан юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент, – 2021 й, – Б. 24.
 3. 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
 4. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт. <https://lex.uz/docs/2640479>
 5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/ru/docs/6445145>
 6. Ўзбекистон Республикасининг 07.02.2022 йилдаги “Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги ЎРҚ-750-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/5849660>
 7. “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/4193761>
 8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>
 9. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун. <https://lex.uz/docs/5378966>
 10. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. <https://lex.uz/docs/6257288>
 11. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. <https://lex.uz/docs/6257288>
- Научно-исследовательский центр развития высшего образования